

Аллоҳ китоб орқали мени азиз қилди



12:26 / 11.10.2018 3159

Муҳйиддин Муҳаммад Аввома:

Аллоҳ таоло мени **“Жавомеъул калим”** (қисқа саҳиҳ ҳадислар) китобини ёзиш орқали бир неча ўринларда азиз қилди. Бир кун мен мана шу китобдаги ҳадисларни таҳрир, таҳриж* қилаётган пайтимда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни туш кўрдим.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга турли хил кўкатлар – кашнич, укроб, ялпиз ва ҳоказолар тўлдирилган халтачини инъом қилдилар. Бу ҳақиқатдан ҳам бир бахт эди! Отамга бу ҳақида айтганимда, у киши: “Иншааллоҳ бу хайрли хушxabардир. Сиз ихтиёр қилган ҳадислар ҳақиқатдан ҳам саҳиҳ ва уммат, ёшлар учун манфаатли бўлади”, деб башорат қилдилар.

Китобнинг қўлёзмаси ҳали нашриётда экан, Аллоҳнинг бу дунёдаги мукофоти ўлароқ, мен Маккаи Мукаррамага қараб йўл олдим. Каъбатуллоҳнинг ичига киришга муяссар бўлдим. Китобни қўлёзма ҳолида Каъбанинг ичига олиб кириб, унинг Аллоҳ таоло ҳузурда мақбул бўлишини, умматга, мусулмонларга манфаат беришини, китоб улар учун кўпдан-кўп фойдалар келтиришини тилаб дуо қилдим. Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда бу китоб дунёнинг жуда кўплаб тилларига таржима қилинди. Аллоҳ таоло мана шу китоб сабаб умматнинг, мусулмонларнинг илмларини

зиёда қилсин.

Islom.uz портали таҳририяти